




*2022 октябрь*

**Аҳолининг даромадлар  
кесимида инфляция даражаси  
ва сезилган инфляция**

---




**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки**

**Тошкент 2022 йил**

## I. Худудлар ва даромадлар кесимида инфляция динамикаси

2022 йилнинг октябрь ойида йиллик инфляция даражаси **12,2 фоизни**, озиқ-овқат маҳсулотлари инфляцияси эса **15,9 фоизни** ташкил этди.

1-расм. Худудлар кесимида инфляция динамикаси (фоизда)




**Манба:** Давлат статистика қўмитаси маълумотлари


Худудлар кесимида, **7 та худудда** умумий ва озиқ-овқат инфляция кўрсаткичлари республика бўйича ўртача инфляциядан баландроқ бўлди.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Сирдарё, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида **озиқ-овқат нархлари ўсиши** суръатлари қолган худудларга нисбатан юқори эканлигини кўриш мумкин.

2-расм. Даромадлари турлича бўлган гуруҳлар учун ойлик ва йиллик инфляция динамикаси (фоизда)



3-расм. Ижтимоий товарлар нархлари ўсиши ва умумий инфляция (фоизда)



**Манба:** Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

Асосий турдаги истеъмол товарлари нархларининг октябрь ойида нисбатан барқарор бўлганлиги кам ва ўрта даромадга эга уй хўжалиқларининг инфляцияси пасайишига хизмат қилди.

Жумладан, 2 млн. сўм ва 2-4 млн. сўмгача даромадлиларнинг инфляцияси мос равишда **0,7** ва **0,3** фоиз бандгача камайди (*мос равишда 13,5 ва 12,3 фоизни ташкил этди*).


Ўтган ой давомида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиш тенденциялари секинлаша бошлагани ижтимоий товарлар нархлари ўзгаришида ҳам ўз аксини топмоқда.

Октябрь ойида **ижтимоий товарлар<sup>1</sup>** нархларининг йиллик ўсиши **15,6** фоизгача пасайди (*сентябрда 16,9 фоиз*). Ушбу ҳолат асосий турдаги истеъмол маҳсулотлари ҳисобланган пиёз, картошка ҳамда шакар маҳсулотлари йиллик ўсиш суръатларининг ўтган ойларга нисбатан секинлашиши билан изоҳланади.

## II. Аҳоли томонидан сезилган инфляция динамикаси

Жорий йилнинг октябрь ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентлар томонидан **сезилган инфляция даражаси бироз пасайиб 14,6** фоизни ташкил этди. Белгиланган жавобларнинг медиана<sup>2</sup> қиймати 0,3 фоиз бандга ошди ва **11,9** фоиз атрофида шаклланди (*4-расм*).

4-расм. Аҳоли томонидан сезилган инфляция динамикаси (фоизда)




<sup>1</sup> **Ижтимоий товарлар:** мол гўшти, қўй гўшти, парранда гўшти, тухум, картошка, пиёз, сабзи, олма, гуруч, биринчи навли буғдой уни, обинон, ўсимлик ёғлари ва шакар (умумий инфляция таркибидаги вазни - 15,4 фоиз).

<sup>2</sup> **Медиана қиймати** –жавоблар вариацион қаторини тенг иккига бўлувчи қиймати.

Хусусан, сўров иштирокчилари орасида инфляцияни 13-20 фоиз даражада ҳис қилганлар улуши ўтган ойга нисбатан **7 фоиз бандга** кўпайди. Аксинча, инфляцияни 20 фоиздан юқори ошганини ҳис қилганлар улуши сентябрь ойидаги **24 фоиздан** октябрь ойида **20 фоизгача** камайди.

**5-расм. Сезилган инфляция бўйича аҳоли жавобларининг тақсимоти**  
(респондентлар, фоизда)



Октябрда респондентлар томонидан асосий истеъмол товарларидан нархлари юқори ошганлигини белгилаганлар улуши ўтган ойга нисбатан қисқарган.

Хусусан, **гўшт, сут, ёғ, тухум, кийим, пойабзал** ҳамда **ижара ҳақи** нархлари юқори даражада ошган деб қайд этганлар улуши деярли ўзгармаган бўлса, **нон, ун, шакар, бензин** нархлари ошганлигини белгилаган респондентлар улуши ўтган ойга нисбатан камайганини кўриш мумкин (6-расм).

**6-расм. Нархлари юқори ўсганлиги қайд этилган жавоблар**  
(умумий жавобларга нисбатан, фоизда)



Шунингдек, ишлаб чиқариш, тиббиёт, маиший хизмат, илм-фан ва таълим ҳамда давлат ташкилотларида фаолият юритаётган респондентлар инфляцияни юқорироқ сезишган.

7-расм. Соҳалар ва ҳудудлар кесимида сезилган инфляция (фоизда)



Ҳудудлар кесимида

Тошкент вил.	15,7
Тошкент ш.	15,6
Хоразм вил.	15,1
Самарқанд вил.	15,1
Сирдарё вил.	15,1
Бухоро вил.	14,9
Наманган вил.	14,7
<b>Республика</b>	<b>14,6</b>
Жиззах вил.	14,6
Қашқадарё вил.	14,5
Фарғона вил.	14,3
Сурхондарё вил.	13,7
Навоий вил.	13,6
Андижон вил.	13,6
Қорақалпоғистон	13,0

Ҳудудлар кесимида **Тошкент, Хоразм, Самарқанд вилоятлари** ҳамда **Тошкент шаҳрида** респондентлар томонидан сезилган инфляция даражаси нисбатан юқорироқ даражада шаклланган бўлса, **Сурхондарё, Навоий, Андижон вилоятлари** ҳамда **Қорақалпоғистон Республикасида** нисбатан пастроқ кўрсаткичлар қайд этилди.